



بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

САХОВАТ – ЖАННАТГА ЕТАКЛОВЧИ ФАЗИЛАТ

اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ الَّذِي حَتَّى عِبَادَةُ الْمُؤْمِنِينَ عَلَى السَّخَاءِ وَالْكَرَمِ، وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى رَسُولِهِ الَّذِي كَانَ مِنْ خُلُقِهِ
الْجُوْدُ وَالْكَرْمُ وَعَلَى آلِهِ وَصَاحِبِهِ أَجْمَعِينَ وَمَنْ تَبَعَّهُمْ بِإِحْسَانٍ إِلَى يَوْمِ الدِّينِ اَمَا بَعْدُ

Хурматли жамоат! Динимиз таълимотларида дунё ҳаёти имтиҳон, синов майдони ҳисобланади. Шунинг учун дунёда ҳамма мўмин ёки ҳамма бой эмас, ёки умр фақат яхши кунлардан иборат эмас. Бу Аллоҳ таолонинг иродаси ва адолати. Бу адолатнинг сирини англашдан банда ожиз. Аллоҳ таоло бандаларига унинг тақдирни ва тақсимига рози бўлиш, имон келтириб, солих амаллар қилишни буоради.

Дунёдаги имтиҳондан яхши ўтиш учун борига шукр қилиш, ҳалолдан топиб, эзгуликка сарфлаш, саҳий бўлишни буоради. Уни баҳилликдан, ҳаддан ошиб кетишдан қайтаради. Камбағалликда тушқунликка тушмаслик, Аллоҳнинг раҳматидан умид узмаслик, сабр-тоқатли бўлиш, ҳалол қасб-кор билан аҳволини ўнглашни буоради.

Саховат – бу икки тоифа ўртасини боғловчи, уларни улфат қилувчи ва ҳар иккисини дунё имтиҳонидан яхши ўтишига ёрдам берувчи амаллардан биридир. Қуръони каримнинг 70 дан ортиқ оятларида одамларга инфоқ-эҳсон қилиш, яъни саховат ҳақида гап кетади. Исроф ва баҳиллик қилмасдан эҳсон қилинса, албатта Аллоҳ таоло унинг ўрнини тўлдиради. Бу ҳақда ояти каримада шундай дейилади:

فُلْ إِنَّ رَبِّيْ يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ وَيَقْدِرُ لَهُ وَمَا أَنْفَقْتُمْ مِنْ شَيْءٍ فَهُوَ يُخْفِهُ وَهُوَ خَيْرُ الرَّازِقِينَ
яъни: “Айтинг: “Албатта, Раббим бандаларидан Ўзи хоҳлаганига ризқни кенг қилур ва (Ўзи хоҳлаганига ризқни) танг қилур. Бирор нарсани (муҳтожларга холис) эҳсон қилсангиз, бас, (Аллоҳ) унинг ўрнини тўлдиур. У ризқлантирувчиларнинг яхшисидир” (Сабаъ сураси, 39-оят).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қиласидилар:

”مَا مِنْ يَوْمٍ يُصْبِحُ الْعِبَادُ فِيهِ إِلَّا مَلَكَانِ يَنْتَلَانِ، فَيَقُولُ أَحَدُهُمَا: اللَّهُمَّ أَعْطِ مُنْفِقًا حَلَفًا، وَيَقُولُ الْآخَرُ: اللَّهُمَّ
أَعْطِ مُمْسِكًا ثَلَفًا“ (Мتفق عليه عن أبي هريرة رضي الله عنه)

яъни: “Бандалар тонгга етадиган ҳар бир кунда икки фаршишта тушиади. Улардан бири: “Эй, Аллоҳ! Инфоқ-эҳсон қилувчининг молига халаф (ўрнини тўлдирувчи) бергин”, - деса, бошқаси: “Эй, Аллоҳ! Баҳилнинг молига талофат бергин” – дейди” (Муттафақун алайҳ). Дарқиқат, Аллоҳ

таоло фаришталар томонидан сахий ва бахил ҳақида қилинган дуони ижобат қиласи. Чунки фаришталарнинг дуоси қабул.

Яна бир ҳадиси құдсийда Пайғамбаримиз алайхиссалом шундай дейдилар:

فَقَالَ اللَّهُ تَعَالَى : أَنْفِقْ يَا ابْنَ آدَمَ إِنْفَقْ عَلَيْكَ " (متفقٌ عَلَيْهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ)

яъни: “*Аллоҳ таоло айтди: “Эй, Одам боласи! Инфоқ қил, сенга ҳам инфоқ қилинади”.*” (Муттрафақун алайх). Албатта, Аллоҳ таоло ваъдасига хилоф қилмайди, инфоқ қилганга ўзининг фазли билан ризқ етказади.

Саховатдаги яна бир асосий қоидалардан бири эхсондан кейин миннат ва азиятнинг бўлмаслигидир. Мана шундай гўзал яхшиликнинг мукофотини Аллоҳ таоло ўз зиммасига олади:

الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ثُمَّ لَا يُتَبَعِّدُونَ مَا أَنْفَقُوا مَنًا وَلَا أَذَى لَهُمْ أَجْرُهُمْ إِنَّدَ رَبِّهِمْ
وَلَا حَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزُنُونَ

яъни: “*Молларини Аллоҳ йўлида сарфлаб, кейинчалик берган нарсалари кетидан миннат ва озор етказмайдиган кишилар учун Парвардигорларидан мукофот бордир. Уларга хавф ҳам бўлмас ва улар ташвиш ҳам чекмаслар*” (Бақара сураси, 262-оят).

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам эхсондан кейинги миннат ва азият ёмонлигидан огоҳлантириб шундай дейдилар:

ثَلَاثَةٌ لَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ وَلَا يُرَكِّبُهُمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ الْمَنَّانُ إِمَّا أَعْطَى وَالْمُسْبِلُ إِرَازَةً وَالْمُنْفِقُ سُلْعَةً بِالْحَلْفِ الْكَاذِبِ (رواه الإمام احمد في مسنده عن أبي ذر رض)

яъни: “*Уч киши борки, Аллоҳ таоло уларга Қиёмат куни гапирмайди ҳам, қарамайди ҳам, уларни (гуноҳлардан) покламайди ҳам ва уларга аламли азоб бўлади. Улар – берганини миннат қилувчи, изорини (кайимини кибр билан) судраб юрувчи ва молини ёлгон қасам билан ўтказувчи кишилардир*” (Имом Аҳмад “Муснад” китобида ривоят қилган).

Динимизда мақталган олижаноб хислатлардан яна бири ўзи яхши кўрган нарсадан ўзгага ҳам эхсон қилишдир. Яхшиликнинг мукофоти жаннатдир. Унга етиш учун сахийликнинг мана шу довонидан ўтиш керак бўлади. Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: “*Абу Талҳа Ансорийлар ичида хурмо боғлари кўп киши эди. Унинг энг севимли боги Байроҳа эди. Бог масжид (набавия)нинг рўпарасида бўлиб, унга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кирап ва ширин сувларидан ичар эдилар. “Суйған нарсаларингиздан эхсон қилмагунингизгача сира яхшиликка (жсаннатга) эриша олмайсизлар...* (Оли Имрон сураси, 92-оят)” ояти тушганда Абу Талҳа Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурига бориб: “*Эй, Аллоҳнинг Расули! Аллоҳ таоло сизга, “Суйған нарсаларингиздан эхсон қилмагунингизгача сира яхшиликка (жсаннатга) эриша олмайсизлар”, оягини туширди. Менинг энг севимли молим эса Байроҳа боғидир. У Аллоҳ йўлига садақа бўлсин! Унинг савоби ва (охиратга) захира бўлишини Аллоҳдан умид қиласман! Богни Аллоҳ сизга билдирган жойга сарфланг!”* – деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “*Бай-бай, жуда фойдали мол, жуда фойдали мол! Гапингни эшиждим, богни қариндошларингга бўлиб*

беришингни маъқул кўраман”- дедилар. Абу Талҳа: “Шундай қиласман, эй Аллоҳнинг Расули!” – дедиларда бояни қариндошлиари ва амакисининг ўғилларига бўлиб бердилар” (Муттафакун алайх).

Саховатнинг энг юқори даражаси ўзи муҳтож бўлиб туриб эҳсон қилишdir. Бу ишни “ийсор” (луғавий маъноси, “устун қўйиш”) дейилади. Сахийликнинг зидди – баҳилликdir. Ким баҳилликдан сақланса, у нажот топувчилардан бўлади.

Ўзида бор нарсаларни ўзгалар билан баҳам кўриш ҳақида бизга Пайғамбаримиз алайҳиссалом гўзал ишора берадилар:

طَعَامُ الْأَشْتَيْنِ كَافِيُ التَّلَاثَةِ ، وَطَعَامُ الْثَّلَاثَةِ كَافِيُ الْأَرْبَعَةِ (متفقٌ عَلَيْهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ).

яъни: “*Икки кишининг таоми уч кишига, уч кишининг таоми эса тўрт кишига етади*” (Муттафакун алайх).

Демак, ҳеч қачон ота-она, яқинлар ва қўни-қўшниларимизга саховатни унутмаслигимиз керак. Айниқса, шу кунлардаги карантин ҳолатида қийналиб қолганлар ва муҳтожларга ёрдам бериш янада савобли ишdir. Аксинча, нархнавони сунъий равишда ошириш, айrim маҳсулотларни ҳаддан ошиқ кўпғамлаб қўйиш – қийинчиликда фақат ўзини ўйлаш ва худбинликdir.

Саҳих ривоятларда Усмон разияллоҳу анхунинг бир карвон озиқ-овқатни қийинчилик кунида муҳтожларга эҳсон сифатида тақатганлари ривоят қилинган. Саховатлик бойларимиз хусусан карантин кунларида мана шундай жаннатий зотлардан ўrnak олишса айни муддао бўлар эди. Чунки бу билан ҳам ўзимиз учун охиратга захира тайёрлаймиз, ҳам муҳтожларнинг кўнглини овлаймиз.

Коронавирус юқумли касаллиги шиддат билан тарқалаётган пайтда мусулмон киши Аллоҳ таолонинг тақдир қилгани юзага чиқишига қаттиқ ишонган ҳолда, касалликдан сақланиш чора тадбирларини кўриши лозим. Вабо ва шу каби тез тарқаладиган касалликлар чиқкан жойга кирилмайди ва қаттиқ зарурат бўлмаса, у ердан чиқиб кетилмайди. Тиббий соҳа вакиллари кўрсатмаларига тўла амал қилинади.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом касаллик тарқаган вазиятда сабабларни ушлаш, киши саломатлиги учун зарур чораларни кўриш лозимлигини таъкидлаб шундай марҳамат қилганлар:

إِنَّ هَذَا الْوَبَاءَ رِجْزٌ أَهْلَكَ اللَّهُ بِهِ الْأَمْمَ قَبْلَكُمْ وَقَدْ بَقِيَ مِنْهُ فِي الْأَرْضِ شَيْءٌ يَحْيَىٰ وَيَدْهَبُ أَحْيَانًا فَإِذَا وَقَعَ بِالْأَرْضِ فَلَا تَخْرُجُوا مِنْهَا وَإِذَا سَعَتُمْ بِهِ فِي أَرْضٍ فَلَا تَأْتُوهُ (رواہ الامام احمد عنْ أَسَامَةَ بْنِ زَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ)

яъни: “*Албатта, бу вабо – Аллоҳ у билан сиздан аввалги қавмларни ҳалок қилган азобдир. Ер юзида ундан бир ози қолган. Гоҳида келади, гоҳида кетади. Агар бир ерда вабо пайдо бўлса, у ердан чиқиб кетманглар. Агар бир ерда вабо борлигини эшиитсангиз, у ерга борманглар*” (Имом Аҳмад ривоятлари).

Мұхтарам азизлар! Айни пайтда соғлиқни сақлаш мутахассислари фуқароларимиздан карантин қоидаларига, жумладан, имкон қадар уйдан чиқмаслик, жамоат жойларида тўпланмаслик, шахсий гигиена каби қоидаларга қатъий амал қилишларини сўрашмоқда. Ушбу кўрсатмаларга амал қилиш ҳар биримиз учун жуда муҳимдир.

Динимизда ҳам қасаллик тарқалиш хавфи бўлганда ҳар ким уйида ўтириши, дуо-тазарруни уйида, оиласи билан қилиши, кўчага заруратсиз чиқмаслиги тавсия этилади. Албатта, барча нарса Аллоҳнинг тақдири билан бўлишига имон келтирган ҳолда, ишларни Аллоҳга топширилади, сабабларни ушланади. Ҳадиси шарифларда ҳам юқимли кесаллик урчиган пайтларда уйдан чиқмасликка чақирилган. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

فَلَيْسَ مِنْ رَجُلٍ يَقْعُدُ الطَّاغُونُ فَيَمْكُثُ فِي بَيْتِهِ صَابِرًا مُحْتَسِبًا يَعْلَمُ أَنَّهُ لَا يُصِيبُهُ إِلَّا مَا كَتَبَ اللَّهُ لَهُ
إِلَّا كَانَ لَهُ مِثْلُ أَجْرِ الشَّهِيدِ

"Ким тоъун (пандемия) тарқалганда уйида сабр қилиб, савоб умидида ўтирса, ҳамда ўзига Аллоҳ ёзганидан бошқа нарса етмаслигини билса, унга шаҳиднинг ажричалик савоб бўлади" (Имом Аҳмад ривоятлари).

Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинган бошқа бир ривоятда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам вабо ҳақида шундай деганлар:

الْفَارُ مِنْهُ كَالْفَارٌ يَوْمَ الرَّحْفِ وَمَنْ صَبَرَ فِيهِ كَانَ لَهُ أَجْرٌ شَهِيدٌ

яъни: *"Вабодан қочган киши худди уришдан қочган киши кабидир. Ким вабо пайтида сабр қилса унга шаҳиднинг ажри бўлади"* (Имом Аҳмад ривоятлари).

Ибн Ҳажар Асқалоний айтадилар: "Ҳадиснинг мазмуни шуни тақозо қиласдики, ким мазкур сифатлар билан тавсифланса, гарчи вабодан вафот этмаса ҳам, унга шаҳиднинг ажри ҳосил бўлади" ("Фатхул Борий" китоби).

Демак, қасаллик тарқаган шу кунларда Аллоҳ таолога суюнган ҳолда, ундан савоб умид қилиб, сабр қилиб уйда ўтирган, ваҳима қўзғамаган, қасалликнинг тарқамаслигига ўз ҳиссасини қўшганларга Аллоҳ таоло катта манфаатлар хазинаси очар экан.

Мухтарам ализлар! Қасаллик бу – синовдир. У шундай синовки, у нафақат кишиларни, балки бутун халқни синайди. Мана шундай кунларда ҳар биримиз сабр-матонатли бўлмоғимиз, бўш вақтларимизни иложи борича фойдали ишларга сарфлашимиз даркор. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай дейди:

اسْتَعِينُوا بِالصَّبْرِ وَالصَّلَاةِ (البقرة الآية: 45)

яъни: *"(Аллоҳдан) сабр ва намоз ила ёрдам сўрангиз"* (Бақара сураси 45-оят).

Айниқса, бу борада Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўлларига эргашсак мақсадга мувофиқ бўлади. Набий алайҳиссаломнинг мусибатли ва оғир кунларда қандай йўл тутишлари ҳақида Хузайфа разияллоҳу анху шундай дейдилар:

كَانَ النَّبِيُّ ﷺ إِذَا حَزِبَهُ أَمْرٌ صَلَى

яъни: *"Бирор қайгули иши бўлса одатда Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам (нафл) намоз ўқир эдилар"* (Имом Абу Довуд ривояти).

Шунингдек, муҳтоjlарга ҳожатманднинг ҳожатини чиқариш, қарздорнинг қарзидан қутулишига ёрдам бериш, етимлар ҳолидан хабар олиш ҳам ҳар бир инсоннинг, ҳар бир мусулмоннинг муҳим вазифасидир.

Мұхтарам азизлар! Банда зикр ва истиғфорни күп айтиши унинг турли бало қазолардан омонда бўлишига сабаб бўлади. Аллоҳ таоло “Анфол” сурасида шундай марҳамат қилган:

وَمَا كَانَ اللَّهُ مُعَذِّبَهُمْ وَهُمْ يَسْتَغْفِرُونَ

яъни: “Модомики, улар истиғфор айтар эканлар, Аллоҳ уларни азобловчимас”.

Бугунги кунда гуноҳларимизга сидқидилдан тавба қилсак, фақир-муҳтожларга садақа улашсак, Қуръони каримни хатм қилиб Аллоҳга ёлборсак, иншааллоҳ бу бало бошимиздан арийди.

Аллоҳ таоло барчамизга тавфиқ бериб, саховатли бандаларидан бўлишимизни насиб айласин, юртимизга келган бу синовларни аритсин, барча беморларга Ўзи шифо берсин! Омин!